



yourchance

ILM-FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY METODLARNING QO'LLANILISHI

MAVZUSIDAGI ILMIY ONLAYN KONFERENSIYA TO'PLAMI

2022

SHO'BALAR



ANIQ
FANLAR



TABIYIY
FANLAR



TEXNIKA
FANLARI



KITOBXONLIK



IQTISOD
FANLARI



PEDAGOGIKA
FANLARI



FILOLOGIYA



SAN'AT

22-(04)SON
27.04.2022
WWW.ACADEMICS.UZ



**"ILM-FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY METODLARNING
QO'LLANISHI "NOMLI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ONLINE
KONFERENSIYASI
2022. 27-APREL**

**РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ ОНЛАЙН-
КОНФЕРЕНЦИЯ "ПРИМЕНЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ МЕТОДОВ В
РАЗВИТИИ НАУКИ"
2022. 27 АПРЕЛЬ**

**REPUBLICAN SCIENTIFIC-PRACTICAL ONLINE CONFERENCE
"APPLICATION OF MODERN METHODS IN THE DEVELOPMENT OF
SCIENCE"
2022. APRIL 27**

22.	<i>Sardor Sovurov Yaxshiyeva Mehrinigor Shavkatovna</i>	JISMONIY MADANIYATNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK YO'NALISHDA OLIB BORILGAN TADQIQOTLAR	134
23.	<i>Sayfullina Elvina Shamilovna</i>	YOSHLAR PSIXOLOGIYASI: KAR SOQOV BOLALARNI RAQSGA YO'NALTIRISH	139
24.	<i>Sheraliyeva Shoira To'lgin kizi Abduraxmanova Zilola Yoqubjon kizi</i>	MAIN ROLE AND FEATURES OF INNOVATION IN AREA OF RESEARCHING	144
25.	<i>Rashidova Gulbahor Jamliddin qizi</i>	SYSTEM "1C: ENTERPRISE"	153
26.	<i>Sulaymanova Dildora Baxtiyorovna</i>	INFORMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI FANINI O'QITISHDA MEDIATEXNOLOGIYANING METODIK RESURSLARIDAN FOYDALANISH	158
27.	<i>Sunnatxo'jayev Rustam Abduqaxxon og'li Mirzayeva L.N</i>	QADRIYATLAR VA ULARNING IJTIMOIY TARAQQIYOTDAGI O'RNI	162
28.	<i>T.B. Норимбетов Ж. Э. Турдибаев</i>	МОТИВАЦИЯ УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ	166
29.	<i>G.U.Xolboeva</i>	BOLALARINI MAKTAB TA'LIMIGA JISMONIY TAYYORGARLIGINING MAZMUNI	170
30.	<i>Jalolova Yulduz Muxiddin qizi</i>	O'QUVCHI-YOSHLarda ilmiy dunyoqarashni SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH	175
31.	<i>A.T.Мирзаев Х.К.Ахмадалиев</i>	АНАЛИЗ ПРОТИВОАВАРИЙНОГО УПРАВЛЕНИЯ СЕВЕРО- ЗАПАДНОЙ ЧАСТИ ЭНЕРГОСИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА В СВЯЗИ С ВВОДОМ НОВЫХ ГЕНЕРИРУЮЩИХ МОЩНОСТЕЙ	181
32.	<i>Каримова Махбуба Нутфуллаевна Каримова Матлуба Бахтиёрновна</i>	ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ДАРСЛАРИДА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРИНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ	192
33.	<i>Маматкулов Нематилло Нарзуллаевич Паттаева Зилола Жадилова Дилнавоз</i>	НООРГАНИК ВА ОРГАНИК МИНЕРАЛ ЎҒИЛЛАРНИНГ ТУПРОҚ ВА ЎСИМЛИКЛАРГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ	203
34.	<i>Мирхалилова Гулназа Илҳом қизи</i>	ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АХАМИЯТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНСИЯЛАРИ	207
35.	<i>Мухаммедов Шавкат Мажисдович</i>	КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАР (ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ МИСОЛИДА)	222
36.	<i>Хамидов Ш.В, Танирбергенов Р.М.</i>	ПРИМЕНЕНИЕ ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНЫХ УСТРОЙСТВ ТЕХНОЛОГИИ FACTS НА БАЗЕ КОНДЕНСАТОРОВ С ТИРИСТОРНЫМ УПРАВЛЕНИЕМ TCSC ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ НАДЁЖНОСТИ ЭНЕРГОСИСТЕМЫ	227
37.	<i>SABUROV SHODMONBOY TURSUNBOYEVICH</i>	UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABI O'QUVCHILARINI XAR TOMONLAMA RIVOJLANTIRISH MASALASI	239
38.	<i>Халмуратова Камила Оразбаевна</i>	МЕДИАКУЛЬТУРА И МЕДИАОБРАЗОВАНИЕ В ОБЕСПЕЧЕНИИ МОДЕРНИЗАЦИИ СИСТЕМЫ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	245
39.	<i>T.B.Норимбетов А.Х Умаралиев</i>	УЧЕНИЕ КАК ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ	247
40.	<i>Ҳайитов Умиджон Ҳамидович</i>	БОШЛАНГИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА МОБИЛЬ ИЛОВАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	251
41.	<i>Хамидов Ш.В, Ҳакимов Ж.Э, Тилаев С.М.</i>	МОДЕЛИРОВАНИЕ И ИМИТАЦИОННОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ УСТРОЙСТВ FACTS ДЛЯ УПРАВЛЕНИЯ НАПРЯЖЕНИЕМ В ЭНЕРГОСИСТЕМЕ УЗБЕКИСТАНА	257
42.	<i>Rahmonberdiyev Zuhriddin Qahramon o'g'li Axrorova Amira Aminovna.</i>	ANALYSIS OF CHARLOTTE BRONTE'S NOVEL "JANE EYRE"	266

ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ДАРСЛАРИДА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРИНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

Каримова Махбуба Нутфуллаевна – Бухоро давлат университети
“Технологик таълим” кафедраси катта ўқитувчиси, Бухоро, Ўзбекистон
Республикаси

Каримова Матлуба Бахтиёровна – “Педагогика назарияси ва тарихи”
магистратура йўналиши 2-курс магистри, Бухоро давлат университети

Илмдан бир шуъла дилга тушган он,

Шундан билурсанким, илм бепоён.

(Фирдавсий)

Аннотация: Мазкур мақолада ўзбек халқ амалий санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари, амалий санъат асарларини идрок этиши, болаларда бадиий эстетик дидни ўстириши, миллий гурурни шакллантиришига ёрдам берниш, уларни ватанга бўлган муҳаббат руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор берниш кераклиги ҳамда амалий безак санъати машгулотларини ўtkазиши методикаси билан боғлиқ муҳим жиҳатлар қайд этилган.

Калим сўзлар: Амалий безак санъати, метод, бадиий- эстетик буюмлар, ранглар уйғунлиги, композиция, миллий гурур.

МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ ПРИКЛАДНОМУ ИСКУССТВУ

Каримова Махбуба Нутфуллаевна – старший преподаватель кафедры технологического образования Бухарского государственного университета, г. Бухара, Республика Узбекистан

Каримова Матлуба Бахтиёровна – магистр 2 курса магистратуры теории и истории педагогики, Бухарский государственный университет

Аннотация: В статье рассматриваются узбекские народные искусства и их особенности, восприятие прикладного искусства, развитие художественно- эстетического вкуса у детей, формирование национальной гордости, их воспитание в духе патриотизма. Важные аспекты, связанные с методикой проведения занятий по декоративно- прикладному искусству.

Ключевые слова: Декоративно- прикладной искусство, метод, художественно- эстетические предметы, цветовая гармония, композиция, национальный гордость.

METHODS OF TEACHING APPLIED DECORATIVE ARTS

Karimova Mahbuba Nutfullaevna – Senior Lecturer, Department of Technological Education, Bukhara State University, Bukhara, Republic of Uzbekistan

Karimova Matluba Bakhtiyorovna - Master of the 2nd year of the Master's Degree in Theory and History of Pedagogy, Bukhara State University

Abstract: The article focuses on the Uzbek folk arts and their peculiarities, the perception of works of applied art, the development of artistic and aesthetic taste in children, the formation national pride, their upbringing in the spirit of patriotism. Important aspect related to the methodology of conduction classes in applied decorative arts.

Keywords: Applied decorative art, method, artistic aesthetic items, color harmony, composition, national pride.

Метод (юонча – métodos –билиш ёки тадқиқот йўли, назария , таълимот) – воқеликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл йўриклар, усуллар мажмуаси, фалсафий билимларни яратиш ва асослаш усули.

Методнинг келиб чиқиш тарихи кишиларнинг амалий фаолиятига бориб тақалади. Бирор ишни бажариш методини эгаллаган киши шу ишни бошқаларга нисбатан осон, тез ва соз бажара олади. Методни эгалламаган инсон эса бу ишни бажариш учун кўп вақт ва куч сарфлайди. Метод ўз мазмуни жиҳатидан амалий ёки назарий шаклда бўлиши мумкин. Инсоннинг амалий фаолиятига оид методлар ҳам воқеликка хос бўлган қонуниятларни англаб етиш, билиб олишга бориб тақалади. Инсон дастлаб атрофдаги нарса ва ҳодисаларни кузатиш, уларни бир- бирига таққослаш, ўхшатиш, фарқ қилиш асосида воқелик ҳақида билимларни тўплаб боради.

Кундалик турмушда воқеликка асосланган бадиий- эстетик буюмларга бўлган эҳтиёж ниҳоятда юқори. Бу эса ўз – ўзидан амалий безак санъатига бўлган талабни янада оширади. Амалий безак саънати намуналарини яратишида унинг методларини ўрганиш муҳим ва аҳамиятлидир.

Ўзбек халқ амалий санъати жуда қадимий санъат тури бўлиб, халқимизнинг кундалик турмуши билан кенг ва чамбарчас боғланган. Шу билан бирга у мамлакатимизда қадимдан ривож топган ҳамда жаҳонда шухрат қозонган. Ўзбек халқи бундан фахрланишлари лозим, чунки бу уларда миллий гуур шаклланишига хизмат қиласди.

Амалий бадиий безак санъати- санъатнинг театр, кино, мусиқа, тасвирий санъати турлари қатори мустақил аҳамият касб этади. У ўз номига кўра амалиётда, яъни турмушда қўлланиладиган безак санъати маъносини англатади. Амалий бадиий безак санъати турли хил буюмлар, кўчалар ва майдонлар, истироҳат боғлари, ишлаб чиқариш, ўқув- тарбиявий муассасалар, спорт ва маданий иншоотларни безатиш билан боғлиқдир. Шунингдек, у кийим- кечаклар, заргарлик буюмлари безагини ҳам ўз ичига олади. Амалий безак санъати кишилар турмушида шунчалик кенг қўлланиладики, усиз турмушни тасаввур қилиш қийин.

Амалий безак санъатининг асосий мақсади кишилар яшайдиган муҳитни ва ўзини ўраб олган буюмларни чиройли қилишдан иборат. Санъатнинг бу турида гўзаллик бирлиги деган ибора бор. У буюмларни фақат турмушда кўлланилгандагина гўзал бўлиши мумкинлигини билдиради. Ҳатто, айрим буюмлар безаксиз бўлганда ҳам гўзал ва бадиий бўлиши мумкин. Бунда буюмнинг шакли ва материали катта аҳамият касб этади.

Амалий безак санъатида шакл муҳим аҳамият касб этади. Агарда буюм ҳар жихатдан мақсадга мувофиқ ишланса-ю, унинг шакли топилмаса, у чиройли ёки бадиий ҳисобланмайди. Масалан, палов учун мўлжалланган сопол лагани тоғора ёки челак шаклида ишлаш мумкин эмас. Чунки, у лаганнинг вазифасига мос тушмайди. Паловни тогорадан қўл билан олиб ейиш маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам амалий безак санъати буюмини яратишда буюм шакли унинг вазифасидан келиб чиқсан ҳолда тайёрланиши лозим.

Амалий бадиий безак санъати буюмларни тайёрлашда унинг материалини тўғри танлаш муҳимдир. Масалан, лаган ва пиёлани ёғочдан, хонтахта ва курсиларни тошдан, кийим ва кечакларни лой ёки ганчдан тайёрлаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, бу материаллар шу буюмларнинг вазифасига мос келмайди. Айтайлик, идиш товоқлар тайёрлашда уста озиқовқат ёки ичимлик солинишини ҳисобга олиши лозим. Уста лаган тайёрлайдиган бўлса, уни металдан ёки тошдан тайёрламайди. Чунки, лаган металдан тайёрланса биринчидан, оғир бўлади, иккинчидан, унга сузилган овқат тез совуб қолади. Амалий санъатда усталар ясаладиган буюмнинг вазифасига қараб, мавжуд барча материаллардан фойдаланадилар. Улар тупроқ, тош, суяқ, ёғоч, газмол, ганч, металл ва бошқалар. Сўнги вақтларда синтетик материаллар ҳам кенг қўлланилмоқда.

Амалий безак санъатини рангсиз тасаввур этиш қийин. Айрим усталар буюм материалига (масалан, ёғочга) ишлов бериб, уларнинг таъсир кучини оширсалар, бошқа усталар бўёклар ёрдамида буюмларга ранг бериб уларнинг кўркини очадилар. Амалий безак буюмларига ранг беришда усталар уларнинг вазифасидан, ишлатилган материаллариидан келиб чиқадилар.

Амалий безак санъати буюмларида яна муҳим бир жиҳат- уларниг ўлчовлари ҳисобланади. Бу деган сўз амалий безак санъати буюмини яратувчи ҳар бир уста яратилажак буюмнинг вазифасини эътиборга олиб, унинг ўлчовини тўғри олиши кераклигини билдиради. Хусусан, чойнакни хумдек катталикда, сўзанини дастрўмолдек ёки аёллар тақинчоқлари солинадиган кутичани сандикдек ўлчовда ясаш мумкин эмас. Акс ҳолда улар фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолади. Шундай қилиб, амалий санъат буюмлари уларнинг вазифаси, шакли, безаги, материали, ранги, ўлчовларига риоя қилишни талаб этади. Шундагина бу буюмлар кишиларни ҳаяжонлантиради, тўлқинлантиради ва уларга завқ бағишлайди.

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати турлари бой ва ранг-баранг маъданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этади. Ўзбек диёрида вужудга келиб гуллаб-яшнаган санъат турлари бемисл ва бетакрорлиги билан дунёга машхур. Ўзбекистонда амалий санъат турлари жуда хилма-хил ва ранго-ранг бўлиб, бутун дунё халқларини лол қолдиришга қодир саналади. Қадимда машхур амалий санъатимиз мамлакатимиз довруғини дунёга таратади. Ўзбек амалий безак санъати турларининг илдизлари инсониятнинг болалиги, яъни ибтидоий жамиятга тақалади. Амалий санъатга чуқур фалсафий ёндашиб натижасида шартлилик, стилизация- рамзийликка асосланган бадиий безак асарларини яратиш кучайган. Ушбу тарихий омил ўзбек миллий безак санъатининг гуркираб ривожланишига туртки бўлиб, хозирда жаҳонга машхур меъморчилик

ёдгорликларимиздаги ганчкорлик, наққошлиқ, кошинкорлик, ҳаттотлик ва бошқа турдаги санъатларнинг ажойиб даражада уйғунлигидан иборатdir.

Яқин ўтмишда ўзбек амалий санъатининг энг ривожланган наққошлиқ, ганчкорлик, тош ва суяқ ўймакорлиги, саватчилик, кандакорлик, пичоқчилик, заргарлик, бўйрачилик, гиламдўзлик, зардўзлик, каштачилик каби турлари бутун жаҳонга донғи кетган.

Наққошлиқ санъати қадимдан дунёга машхур. Нақш арабча “тасвир”, “гул” деган маънони англатади. Қуш,хайвон, ўсимлик, геометрик ва бошқа шаклларини маълум тартибда тақрорланишидан ҳосил қилинган безакдир. Бадиий наққошлиқ рангларни уйғунлигига ва ўзига хос композицияларда гўзаллик яратиш санъатидир. Наққош уста ўз ишида рангнинг табиий жилосидан, бежирим шаклдан, мохирлик билан фойдаланиб ёрқин ифодаликка эришади. Мустақил нақш тузиш жараёнида стилизация орқали нақш элементлари ўзаро бириктирилади. Мураккаб нақш композициясини яратищда битта композициянинг ўзидаёқ ўсимликсимон, геометрик, гулли гирих, рамзий нақш турларидан фойдаланиш бебаҳо санъат асарининг тақрорланмас намунаси яратилишига сабабчи бўлади.

Ўзбек халқ амалий безак санъатининг энг кенг тарқалган турларидан бири кандакорликдир. Кандакорлик деганда, металдан ясалган бадиий буюмларга ўйиб ёки бўртиқ қилиб нақш ишлаш тушунилади. Маҳаллий усталар олтин, кумуш, жез, мис ва бошқа металлардан ҳар хил буюмлар ясаганлар. Қадимги ва илк ўрта аср кандакорлиги асосан, кумуш буюмларда ўз ифодасини топган. Ўн биринчи асрдан бошлаб, кандакорлик маҳсулотларини мис ҳамда мис қотишмаларидан тайёрлай бошлаганлар. Бухоро кандакорлиги энг машхур кандакорлик мактабларидандир. Бу мактаб ўзининг оддийлиги ва шаклларининг қатъийлиги билан ажralиб туради. Бухоро кандакорлик мактабида яратилган буюмлардаги нақшлар йирик ва

нафисдир. Бухоро безагига “Кундал” деб юритиладиган нақш алоҳида таъсирчанлик касб этади. Кандакорлик санъати турини ўрганиш кишидан алоҳида эътиборни ҳамда юқори изчилликни талаб этади.

Амалий санъатнинг энг гўзал намуналаридан бири зардўзлик санъатидир.

Зардўзлик- ҳунармандчиликнинг қадимий турларидан бири бўлиб, зар ип билан нақш (кашта) тикиш касби. У форсча “зар” (тилла), “дўзи” (тикмок) сўзини англатади. Зардўзликнинг ватани Вавильондир. Қадимги тарихдан зарбоф кийимлар машҳур шахсларнинг энг ноёб кийими бўлган. Самарқандлик шоир Фитратнинг асосий касби зардўзлик бўлган. У матоларга зардан ажёйиб кашталар тиккан. Зардўзликда ўттиз хил классик тикиш усууллари мавжуд.

Заминдўзи- бунда зар тикилаётган кийим ёки кийим гул нақшининг замини ёппасига зар билан тикилади. Заминдўзи сидди устига тикилиб, сидди жайдари ипакдан тайёрланади. Биринчи навбатда, ип тўрт ёки беш қават қилиб, кейин эса икки қават қилиб эшилади. Шу ҳосил бўлган ингичка ип зардўзликда сидди деб юритилади.

Гулдўзи- бунда тикилаётган нақшнинг таги очиқ қолиб фақат гул нақшларининг ўзи зар билан тикилади.

Халқ амалий безак санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадиий дидини шакллантиради, руҳиятини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ амалий санъати кишиларни бадиий аҳлоқий, умуминсоний тарбиялаб, уларнинг илмий қарашларини шакллантиришда ҳамда маъданий даражасини оширишда энг зарур манбалардан ҳисобланади.

Тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда тасвирий санъатни ўқитиш ҳамда амалий безак санъати машғулотларини ўргатиш методикаси

курси алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки ўқитиш методларини билмай туриб, машғулот олиб бориб бўлмайди.

Халқ амалий санъатини ўрганиш ўқувчиларни бадиий дидини ўстириш, борликқа эстетик муносабатини шакллантириш ва бадиий фикр доирасини кенгайтириш борасидагина эмас, балки у болаларнинг тасвирий ижодий фаолиятида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчилар қадимги халқ ҳаёти билан боғлиқ бўлган мавзуда расм ишлар эканлар, улар бевосита уй жиҳозлари (сўзана, гилам, лаган, чойнак, пиёла, офтоба, қумғон, хум, сандик ва ҳ.к) , ёғоч ва ганч ўймакорлиги буюмларини тасвирлашларига тўғри келади бунда уларга халқ амалий санъатидан олган билим ва тушунчалари қўл келади.

Бўлгуси ўқитувчилар мактабда амалий безак санъатини ўргатища унинг методикаси билан бир қаторда қуидаги вазифаларни ҳам амалга оширишлари зарурлиги назарда тутилади:

- ўқувчиларнинг бадиий ижодий қобилияtlари ва бадиий дидини ўстириш;
- амалий безак санъати юзасидан болалар билимини кенгайтириш;
- ўқувчиларнинг тасвирий малакаларини ривожлантириш;
- ўзбек халқ амалий санъатининг миллий бадиий анъаналари билан таништириш;
- болаларда халқ амалий санъатига меҳр уйғотиш;
- ўқувчиларнинг аҳлоқий, эстетик тарбиясига кўмаклашиш;
- ўзбек халқ амалий санъати ва унинг жаҳонга машхур усталари билан фахрланиш ҳиссини тарбиялаш.

Ўзбек халқ амалий санъатининг барча муҳим хусусиятларидан фойдаланиб, ҳар бир талаба ўз фаолиятида юқорида таъкидланган асосий метод ва масалаларга алоҳида эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир.

Список литературы / References

1. Ghiasi G., Larivière V., Sugimoto C.R. On the compliance of women engineers with a gendered scientific system // PLOS ONE. 2015.
2. Ганиева Г.Ж. Гендерные исследования в Центральной Азии. ЎзР ФА Шарқшунослик институти илмий тўплами. № 16 сон. Т. 2013, Б.131-136.
3. Расулова З.Д. Каримова М.Н. (2020) ИСПОЛЬЗОВАНИЕ УЧЕБНЫХ ИНСТРУМЕНТОВ В РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ Проблемы педагогики НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ 50 №5, стр.20.
4. Ш.Х.Кулиева, М.Н. Каримова, М. Х. Давлаткулова (2014) Организация теоретических и практических занятий в процессе подготовки учителей профессионального образования на основе системного подхода. Молодой ученый №8, стр.804-807.
5. М. Н. Каримова (2016) Метод самоуправления образованием. Молодой ученый №13, стр. 808-810.
6. М. Н. Каримова (2012) О современных методах оценки знаний и умений учащихся колледжей в личностно-ориентированной технологии обучения. Молодой ученый №7, стр.277-281.
7. М. Н. Каримова (2019) Проблемы и перспективы преподавания предмета "Технология" в общеобразовательных школах. Вестник науки и образования №2-2, (56), стр.17-19.
8. Ш.Х Кулиева, М.Н Каримова (2015) Использование современных дидактических средств в обучении специальных предметов. Педагогические науки №1, стр.84-88.
9. М.Н.Каримова. (2016) Методы образования, ориентированные на деятельность и самостоятельное действие при обучении специальным предметам. Молодой ученый №13, стр. 810-812.

10. М.Н.Каримова (2015) Тенденции обучения специальных предметов. *Наука и образование: проблемы и тенденции развития.* №1, стр 22-25.
11. М.Н.Каримова (2020) ДИДАКТИЧЕСКАЯ СИСТЕМА ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ В ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ОБРАЗОВАНИИ *Academy №12(63)* стр.70-73.
12. М.Н. Каримова (2018). ГЕНДЕРНЫЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО СОВРЕМЕННОГО ИНЖЕНЕРА. *INTERNATIONAL SCIENTIFIC SPECIALIZED CONFERENCE «INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY* 4, №1, стр.58-60.
13. М. Н. Каримова (2017) Использование образовательных технологий, ориентированных на личность при обучении к специальным предметам. *Наука без границ* №6(11), стр.111-114.
14. Мухидова О.Н. (2021). Формирование трансверсальных компетенций – приоритетная задача преподавателей высшей школы. *Общество и инновации.* 2, 11/S, 394–398.
15. Muxidova O.N. (2022). Формирование технологической компетентности при использование наглядных средств на уроках технологии. *Yangi O'zbekistonda milliy taraqqiyot va innovasiyalar* 2, 2/2, 302-307
16. О.Х.Узаков, О.Н.Мухидова (2021). Научные исследования: основы методологии *Science and education scintific journal* Vol 2 Issue 12, pp. 376-386.
17. Узаков О.Х. (2021). Сущность некоторых физических научных концепций и приложений // *Общество и инновации.* № (8), С. 287-295.
18. Мухидова О.Н. (2021). Инновационные технологии в учебном процессе. *Innovation in the modern education system.* Washington, USA: "CESS", Part 2 January, pp. 88-93.

19. Мухидова О.Н. (2020). Компетентностный подход к развитию профессиональной деятельности учителя. *Вестник науки и образования* (№ 19 (97). Часть 2), С. 88-91.
20. Мухидова О.Н. (2020). Электронное обучение в высшем образовании. *Вестник магистратуры*, 1-5 (100) С. 43-44.
21. Миржанова, Н.Н. (2020). Инновационные технологии в образовании и их использование. *Вестник магистратуры*, (№1 (100)Часть 5), С.41-43.
22. Мирджанова, Н.Н. (2020). Эффективные способы формирования навыков творческого мышления у студентов. *Academy*, (62 (11), С.35-37.
23. Миржанова, Н.Н. (2021). Внедрение инновационных технологий с использованием зарубежной литературы в учебный процесс. INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. Washington, USA:"CESS", Part 4, Issue, pp. 85-89.
24. З. Д. Расулова, А. Х. Содикова (2020). Возможности использования компьютерных технологий в технологическом образовании. *Вестник науки и образования*, 19-2 (97), стр. 68-71.
25. А.Х.Содикова (2019). Признаки процесса обучения. *Ученый XXI века.* стр. 47-49.